

Сийдик шифо бўлиши мумкинми?

08:00 / 15.04.2018 14134

Савол:

Ассалому алайкум! Сийдикни шифо олиш мақсадида бир танишим юзига сурмоқчи ва истемол қилмоқчи. Унга кимдур шунақа қилсанг ёшарасан дебди. Мен унга бу ишинг яхшимас сийдик ҳаром дедим. Илтимос ўзингиз тушунтириб беринглар шу масалани. Олдиндан раҳмат.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Аллоҳ таоло сизларни шифоингизни [ҳаром](#) нарсада қилмаган” деганлар. Хусусан юзга сийдик суркаш мутлақо жоиз эмас. Валлоҳу аълам!